

**“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

2026 йил 8-январь соат 11-30

Тўрткўл тумани

“Тўрткўл пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 244 887 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 409 263 дона. Йиғилиш кворуми 59.84 фоиз.

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб жамият кузатув кенгаши раиси ҳамда “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси Е.Кунназаровни сайлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Е.Кунназаров сайланди.

Йиғилиш котиби – Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиби этиб, жамият бош бухгалтери З.Миримов номзоди таклиф этилди.

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига жамият бош бухгалтери З.Миримов сайланди.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби бўйича йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан тасдиқланган Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаларини тугатиш билан боғлиқ амалга ошириладиган вазифалар белгиланган.

Шу муносабати билан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги келтирилган масалалар киритилди.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

КУН ТАРТИБИ:

1) “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2) “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улушини номинал қийматда “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича йиғилиш раиси томонидан қуйидагилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59,66-моддаларига асосан умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича берилган акциядорларнинг овозларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунларини чиқариш, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузиш учун санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби, шунингдек умумий йиғилиш регламенти акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

1.Розимов Сардорбек Азатович – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош юристконсулти, санок комиссияси раиси;

2.Ибадуллаев Дилмурат Амет ўғли – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ корпоратив масалалар бўйича мутахассис, санок комиссияси аъзоси;

3.Балтаев Раджап Ходжаниязович - “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош механиги, санок комиссияси аъзоси.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқа савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 7 дақиқа вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров жамият акциядорларидан навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги биринчи масала, санок комиссияси таркиби ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 244 887 та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Розимов Сардорбек Азатович – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош юристконсулти, санок комиссияси раиси;

Ибадуллаев Дилмурат Амет ўғли – “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ корпоратив масалалар бўйича мутахассис, санок комиссияси аъзоси;

Балтаев Раджап Ходжаниязович - “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖ бош механиги, санок комиссияси аъзоси.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларга 7 дақиқагача, савол-жавобларга 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига

7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала юзасидан йиғилиш раиси Е.Кунназаров томонидан йиғилиш қатнашчиларига қуйидагилар тўғрисида ахборот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги ПҚ – 4341-сон “Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан қишлоқ жойларда, маҳаллаларда ва республиканинг олис ҳудудларида ишга муҳтож аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар иштирокида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуалар ташкил этилиши белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг таркибидаги пахта тозалаш корхоналари таъсисчилигида “Барака пахта текс” МЧЖ ташкил қилиниб, 2019 йил 19 мартда Тошкент шаҳар Яккасарой туманида давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги улуши 3,64 фоизни, 10 000,0 млн сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ – 4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизим корхоналарни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ жамият ва тизим корхоналарига тегишли бўлган активларни белгиланган тартибда сотиш бўйича топшириқлар белгиланган.

Шунга кўра, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши 10 100,02 млн сўм баҳоланган қийматда 2021 йил ноябрда “E-auksion” савдо платформасига чиқарилган. Узоқ муддатдан буён сотилмаганлиги сабабли Хусусийлаштириш Давлат комиссиясининг 2022 йил 29-августдаги 42-сон баёнига асосан улушнинг бошланғич баҳоси баланс қийматида (10 000,0 млн. сўмга) пасайтирилган, бироқ аукцион савдоларида сотилмаган.

Пахта тозалаш корхоналарини тугатиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда пахта тозалаш корхоналари, “Пахтасаноат” ҚАБлар ва “Ўзпахтасаноат” АЖ ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликларини қисман қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналарининг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги улушини “Пахтасаноат” ҚАБларга ўтказиш таклиф қилинмоқда.

Бунда, пахта тозалаш корхоналарига тегишли улушлар номинал қийматда ушбу корхоналарнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ ва “Пахтасаноат” ҚАБлар олдидаги, шунингдек “Пахтасаноат” ҚАБларнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ ўртасидаги қарздорликларини ҳамда келгусида пахта тозалаш корхоналари тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали ўтказилади.

Шунга кўра, “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши номинал қийматда жамиятнинг “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ ва “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги, шунингдек “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги кредитор қарздорликларини ҳамда келгусида жамият тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказиш таклиф этилди.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров жамият акциядорларидан навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 212 484 та овоз билан 86.77%;

“Қаршилар”- 32 403 та овоз билан 13.23%; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улуши номинал қийматда жамиятнинг “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ ва “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги, шунингдек “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБнинг “Ўзпахтасаноат” АЖ олдидаги кредитор қарздорликларини ҳамда келгусида жамият тугатилганда акциядорларга тақсимланадиган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказилсин.

2. “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг Бош директори Ж.Серикбаевга:

- “Тўрткўл пахта тозалаш” АЖнинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги 3,64 фоиз улушини “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБга ўтказиш бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш;

- ўтказилган улушнинг номинал қийматини ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вазифаси юклатилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Е.Кунназаров.

З.Миримов.

«15» январь 2026 й.